

Тил Жамоаси Шаклланишида Оилавий Муносабатлардаги Турли Мурожаатлардан Лавҳалар

Yulduzxon Mirzaaxmedova Anvarovna

“University of economics and pedagogy” NOTM, Filologiya kafedrası f.f.f.d.(PhD), dotsentj

Тил жамоаси шаклланишида оилавий муносабатлардаги нутқий мулокот асосий марказни ташкил этади. Нутқий мулокотдаги мурожаат шакллари оилавий муносабатлар тизимида ўзига хос ўринга эга. Ўзаро мулокот давомида мурожаатнинг қандай шакли танланишига қараб кўплаб оилавий сирларга гувоҳ бўлиш мумкин. Мурожаат шакли ўзига хос психолингвистик кўрсаткичdir. Мурожаат шаклларининг танланиши нафақат шахс, балки миллатнинг ҳам руҳий ва ижтимоий қиёфасини ойдинлаштиради, менталитал жиҳатларини намоён қиласди.

Ўзбек оилаларида фарзанд жуда қадрланади. Мурожаат шаклларида фарзанднинг оиладаги мавқеи намоён бўлади:

Ёлғизим, ягонам – якка фарзандларга қаратилган мурожаат.

Суяничим, ақллигим – тўнгич фарзандларга қаратилган мурожаат.

Эркатойим, мунҷоғим – кенжা фарзандларга қаратилган мурожаат.

Мурожаатнинг ушбу шаклларини кўллаш орқали фарзандларга уларнинг ота-она олдидағи қиммати билдирилади, мавқеи кўрсатилиб руҳий қувватлантирилади.

Шунингдек, мурожатнинг тингловчи эмас, айтувчига ҳам руҳий таъсир ўтказувчи шакллари ҳам мавжуд: орқамда қолгувчим, чироғим, белимнинг қуввати каби.

Фарзандларнинг ота-онага мурожаатлари ҳам ўзига хос психологик тусга эга:

Ота – расмий ва улуғвор мурожаат.

Дада – кенг тарқалган мурожаат шакли бўлиб, ҳурмат билан мурожаат қилинганда ишлатилади ва дадажон, дадагинам каби эркаланиш шаклларига ҳам эга.

Она сўзи ҳам расмий ва бадиий тусга эга(шевага оид хусусиятларга тўхталмадик). Фарғона водийсида кенг тарқалган ая, буви, аба каби шакллари кундалик мурожаат шакли бўлиб руҳий яқинликни алоҳида бўрттириб кўрсатувчи аяжоним, бувижон каби шакллари ҳам фаол қўлланилади.

Фарзандларнинг ўзаро мурожаат шакллари ёш ва гендер хусусиятларни ҳисобга олади:

Ёши катта ўғил фарзандга кичиклари aka деб мурожаат қиласди.

Ёши кичик ўғил фарзандга катталари ука деб мурожаат қиласди.

Ёши катта киз фарзандга опа деб мурожаат қилинади, бироқ ёши кичик киз фарзандга сингил деб мурожаат қилиш анъанаси йўқ.

Оилавий тизим қанча кенг бўлса мурожаат шаклларининг вазифаси ҳам шунча кўп бўлади. Никоҳ билан боғлиқ тизимлар, яъни эр ёки хотиннинг отаси ва онасига, қариндошларига мурожаат шакллари борасида қизиқ анъаналар шаклланган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, -жон қўшимчасини қўшиш муносабатда руҳий яқинликни бўрттириб кўрсатади. Бироқ доим ҳам эмас.

Эрнинг онаси – қайнонага ойижон, эрнинг отаси – қайнотага дадажон деб мурожаат қилиш анъанаси бор. Ушбу мурожаат шакллари эгалик қўшимчаси олиб ўзгармаслиги билан, худди

шундай шаклга эга туққан ота-онага мурожаатдан фарқ қиласы. Қиёсланг: Ойижон айтди(қайнона ҳақида) // Ойижоним айтди (ўз онаси ҳақида). Эгалик қўшимчасини ишлатмаслик, ойижон атамасини атоқли отларга яқинлаштиради, қайнона-келин, қайнота-келин ўртасида мавжуд муайян чегарага ишора қиласы.

Мурожаат шакллари тизимида эр-хотин мулоқотида қўлланувчи мурожаат шакллари алоҳида ўрин тутади. Миллий урф-одатлардан келиб чикувчи мурожаат шаклларининг бутун бир тизими шаклланганки, уларни ўрганиш алоҳида йирик тадқиқотларни талаб қиласы.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, она тили миллатнинг руҳи. Миллат руҳи ва менталитетини акс эттирувчи мурожаат шакллари – уларнинг гендер, психологик ўзига хосликларини ўрганиш тилдан амалий фойдаланиш йўлида анча қизиқарли материаллар бериши аник.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Гендер асослари: назария ва амалиёт. – Тошкент: 2003. – 480 б.
- Гендер муносабатлари назарияси ва амалиётга кириш. – Тошкент: 2007. – 137 б.
- Кирилина А.В. «Мужественность» и «женственность» с точки зрения лингвиста// Женщина в российском обществе. 1998. №2. – С.21-27.
- Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи,1965. – 743 б.
- Маҳмудов Н. Оламнинг лисоний манзараси ва сўз ўзлаштириш// Ўзбек тили ва адабиёти. 2015. №3. – Б.3-12.
- Мифы народов мира. В 2т. – Москва: 1980. – 560 с.
- Рабғузий Н.Б. Қиссаси Рабғузий.1 том. – Тошкент: Ёзувчи,1990. – 240 б.
- zhenskoe-mnenie.ru

Open Conferences